

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРСАЛИХОВА ФИРУЗА ЛУКМАНОВНА

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА КАРИЕСНИНГ
КОМПЛЕКС ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ ДАСТУРИНИ
АСОСЛАШ**

14.00.21 — Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Мирсалихова Фируза Лукмановна

Кичик мактаб ёшидаги болаларда кариеснинг
комплекс профилактикаси ва даволаш
дастурини асослаш.....

3

Мирсалихова Фируза Лукмановна

Обоснование комплексной программы
профилактики и лечения кариеса зубов у
детей младшего школьного возраста.....

26

Mirsalikhova Firuza Lukmanovna

Rationale for a comprehensive program for
the prevention and treatment of dental caries
in children of primary school age.....

51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРСАЛИХОВА ФИРУЗА ЛУКМАНОВНА

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА КАРИЕСНИНГ
КОМПЛЕКС ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ ДАСТУРИНИ
АСОСЛАШ**

14.00.21 — Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.DSc/Tib236-рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdsi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz)

Илмий маслаҳатчи:

Даминова Шахноза Бадриддиновна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Супиев Турган Курганович
академик, тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон Республикаси)

Гулямов Суръат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Муртазаев Саидмуродхон Саидалоевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Uppsala University
(Швеция)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.06.2017. Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Яшнободтумани, Махтумқули, 103 уй. Тел /факс: (99871)230-20-65, факс: 230-47-99, e-mail: tdsi2016@mail.ru)

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Яшнободтумани, Махтумқули, 103 уй. Тел /факс: (99871)230-20-65, факс: 230-47-99.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги__рақамли реестр баённомаси)

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Х.П.Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда тишлар кариесини даволаш тўғрисидаги тасаввур ўзгарган бўлиб, агрессив стратегиядан профилактика ва минимал инвазив даволаш стратегиясига ўтилган. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, кариес эрта ташхислаш кариес белгиларини илк босқичларда реминерализациялаш, хавф омилларини сусайтириш ҳамда ўз вақтида профилактика чора тадбирларини қўллаш имконини беради. Кариесни ривожланишини олдини олиш ёки эрта босқичда аниқлаш учун замонавий ташхис инновацион технологияси лозимдир. Кариесни эрта босқичда ташхислаш – уни даволашдаги муваффақиятнинг 50% гаровидир. Тишлар кариеси болалар орасида энг кўп тарқалган стоматологик касаллик ҳисобланади. Кўпгина муаллифлар маълумотлари бўйича болаларда кариес 5-6 ёшдан бошлаб кузатилади ва унинг тарқалганлиги 70,5% - 82,3% ташкил қилади. “Кичик мактаб ёшига келиб (7-10 ёш) бу касаллик билан 90% дан ортик болалар аҳолиси касалланади”¹. Тишлар кариесини ўз вақтида эрта ташхислаш ва тўғри даволаш усулини танлаш касаллик асоратлари шакллари камайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида одонтоген инфекция ўчоқларини юзага келишини профилактикаси бўлиб ҳисобланади. Болаларда тишлар кариеси муаммоси долзарб масала бўлиб, бу касалликнинг сезиларли даражада жадаллиги, кенг тарқалганлиги, хавфли асоратларга олиб келиши мумкинлиги ва стоматологик ёрдамга катта эҳтиёж туғдириши билан намоён бўлади².

Жахонда кичик мактаб ёшидаги болаларда тиш кариеси касаллигини олдини олиш, ташхислаш ва даволаш чораларини такомиллаштириш ва юқори самарали янги профилактика дастурини ишлаб чиқиш борасида мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тадқиқотларда асосий эътибор, касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф қилиш ҳамда болалар кариесини профилактикаси самарадорлигини экзоген ва эндоген услубларини ишлаб чиқиш ва модереринизациялашга қаратилган. Олиб борилган кўплаб илмий ва амалий тадқиқотларнинг аксарияти ўсмир ёшдаги болаларга бағишланганлиги сабабли, кичик мактаб ёшидаги болаларда бу муаммолар ҳолатини тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада, стоматология ривожланишининг янги йўналиши бўлиб, эмаль кариесини минимал чархлаш (инвазия) ва максимал аяш орқали даволаш усули ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига сифатли тиббий хизмат курсатиш тизимини тубдан яхшилашга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолига сифатли тиббий хизмат курсатишга қаратилган чора тадбирларни амалга оширишда, болаларда тиш кариеси касаллиги жумладан паталогияси ханузгача кенг ва мураккаб

¹ Йулдашханова А.С. История развития и достижения детской терапевтической стоматологии //Stomatologiya.-2012

² Ризаев Ж.А. Хайдаров А.М. Распространённость и интенсивность кариеса зубов у детей, проживающих на территориях экологического риска // Stomatologiya.-2014.

асоратларга олиб келувчи касалликлар муаммолари ечимига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мулжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, “...аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат курсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, оила саломатлигини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам курсатиш, аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш”³ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада республикада тиш қариесига олиб келувчи омиллар, касалликни тарқалиш ва жадаллигини ўрганиш, оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати, ҳамда кичик мактаб ёшидаги болалар орасида тиш қариеси касаллиги профилактикасини такомиллаштириш каби масалаларни ҳал қилишда болалар стоматологиясининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли қарори, 2018 йил 10 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича танқидий ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш тўғрисида” Р-5274-сонли фармойиши, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5325-сонли фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида тишлар қариесини даволаш ва олдини олиш соҳасидаги ютуқларни ўрганиш мақсадида жаҳоннинг таниқли олимларнинг етакчи нуфузли журналлардаги мақолалари ўрганилган. Тадқиқот мавзуси юзасидан қуйидаги журналлардан олинган тадқиқотлар натижаларининг тахлили ўтказилган: *European Journal Of Pediatric Dentistry, American Journal Of Dentistry, J Dent Child (USA), Caries Res, Int Dent J, Journal Canada Dental Association, Community Dental Health*

³ Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони.

⁴Обзор иностранной литературы по теме диссертации было осуществлено по данными и другими источниками. www.who.int; www.pubmed.gov, www.highwire.org, <http://www.cochranelibrary.com>; <http://www.rsl.ru>; www.biomedcentral.com.

(Swedish region), British Dental Journal, BMC Oral Health (Англия), American Journal of Orthodontics and Dentofacial Orthopedist, International Journal Of Paediatric Dentistry, The Journal Of Evidence-Based Dental Practice, Россия Федерацияси, Белорусия Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва б.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда тиш кариесини даволаш ва ташхислашнинг самарали усуллари амалиётга тадбиқ қилиш натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: эмалнинг биокимёвий “етилмаган” даврида доимий тишларда оператив-тикловчи даволашнинг мураккаб комплексларини ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилган ва у доимий тишлар кариеси профилактикаси ва даволашда назарий база сифатида асосланган (Seoul National University, Жанубий Корея); кариес ривожланишида оғиз бўшлиғи кариесоген микрофлораси таъсири асосланган (University Aichi-Gakuin, Япония); бола ёшида тишларда кариес ривожланишида роль ўйновчи асосий омиллар, яъни алмашинув прикусидаги тишлар структураси, сўлак таркиби аниқланган (University of Washington, АҚШ); кариесни ташхислашни ва даволашни аниқ баҳолашда 2005 йилда ишчи гуруҳ йиғилишида ишлаб чиқилган ICDAS II халқаро тизими самарадорлиги исботланган (University of Baltimore, АҚШ); кариесни микроинвазив усулда даволашнинг самарадорлиги исботланган (University of Freiburg, Германия); ушбу болаларда оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш, профилактика ва даволашнинг самарали тизими такомиллаштирилган (Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистан).

Дунёда кичик мактаб ёшидаги болаларда тиш қаттиқ тўқимаси касалликларини башоратлаш, даволаш ва олдини олишнинг юқори самарадорлигини такомиллаштириш мақсадида, устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, тиш қаттиқ тўқимасини зарарланиши хусусиятларига таъсир қилувчи оғиз бўшлиғи суюқлиги таркиби таъсирларини асослаш; тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари бўлган болаларда сўлак таркибининг биокимёвий ва микробиологик кўраткичларига ижобий таъсир кўрсатадиган воситаларининг комплекс таъсирини исботлатлаш; тиш эмали минерализациясини сусайишига, оғиз бўшлиғи суюқлиги кислоталигини ўзгаришига ҳамда сўлак ёпишқоқлигига таъсир қилувчи омилларни пасайтиришга қаратилган даволаш-профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда келтирилган маълумотлар кўрсатиши бўйича, тишлар кариеси якуний нуқта бўлиб ҳисобланмай, балки шифокорга мурожаатларни эрта босқичда тўхтатилиши ёки ортга қайтарилиши мумкин бўлган динамик жараёнدير, шу сабабли касалликни даволаш ва профилактикаси учун янги йўللارни излаш давом этмоқда. Украиналик муаллифлар ноорганик фосфорни паст концентрацияси фонида аралаш сўлакда умумий ва ионлашган кальций миқдорининг ҳаққоний пасайганлиги, унинг рН даражасини пасайишга бўлган тенденцияси, буфер ҳажми ва фаоллаштирилмаган секреция тезлиги

кариес кечишининг фаоллигини башорат қилишда маркерлар бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини исботлашмоқда. Оғиз бўшлиғида кариесоген вазиятни ривожланишини кучайтирувчи маҳаллий омиллар орасида асосийси бўлиб, оғиз бўшлиғини қониқарсиз гигиенаси, оғиз бўшлиғида микробли ландшафтнинг ҳамда оғиз суюқлигининг таркиби ва сифатининг бузилиши деб ҳисобланади. Россияда олиб борилган тадқиқотларда, 12 ёшли ўқувчиларнинг сўровнома ва оғиз бўшлиғи кўригининг натижалари келтирилган. (Казарина Л.Н., Пурсинова А.Е., 2015) Кариеснинг тарқалганлик ва жадаллигининг юқори кўрсаткичлари оғиз бўшлиғи гигиенасининг қониқарсиз даражаси, рН кўрсаткичининг пасайиши билан боғлиқлиги аниқланган, бу эса ўз навбатда стоматологик тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Америкалик олимлар томонидан тишлар эмал қавати деминерализацияси даражасини флуоресценция (QLF) ёрдамида ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган. Мавжуд бўлган адабиётларда болаларда кариес профилактикаси учун турли гигиеник воситаларни қўллаш бўйича нашрлар катта миқдорда борлиги маълум. Таиландлик муаллифлар болаларда, эмалдаги кариес жараёнини реминерализациялаш мақсадида, тишларни мунтазам равишда кундалик тозалашда CPP-ACP (казеинфосфопептид-аморфликальций фосфати) тиш пастасини клиник тадқиқот натижалари келтирилган. Фторланган CPP-ACP тиш пастаси билан мактабда тушликдан сўнг ўқитувчи назорати остида тишларни ювиш тавсия қилинган. Эмалнинг псевдоинтакт қаватини сақлаб қолиш мақсадида кариес жараёнини бир ташрифда “консервациялаш” имкониятини берадиган, инфильтрациялаш усули россиялик олимлар гуруҳи томонидан таклиф қилинган. Франциялик олимлар самарали тикланиш ва профилактик даволашни таъминлаш хусусиятига эга бўлган тишлар кариесини минимал-чархлаш усули билан даволашнинг 20 йиллик тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар [Holmgren C.J., Roux D., Doméjean S. 2013].

Шунинг учун, Ўзбекистонда кичик мактаб ёшидаги болаларда стоматологик даволаш, тиш эмалининг кариесга турғунлик, тиш илдизлари шаклланиш ва эмалнинг тугалланмаган минераллашув даврида тишлар кариесининг жадал ривожланиши ва тарқалиш даражаси ўрганилган ҳолда, кариесга қарши комплекс даволаш-профилактик чора тадбирларини қўллаган ҳолда даволаш дастурларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Болаларда тишлар патологияси, парадонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик мактаб ёшидаги болаларда тиш илдизларини шаклланиш ва эмалнинг тугалланмаган минерализация даврида, тишлар қаттиқ тўқималари кариес турғунлигини турли даражаларида кариесга қарши даволаш ҳамда даволаш-профилактик мажмуаси дастурларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

6-11 ёшдаги болаларда стоматологик статусни ўрганиб чиқиш: тарқалганлик, жадаллик, тишлар кариеси жадаллигининг ортгани, доимий тишларда илдизларни шаклланиши ва эмалнинг биокимёвий “етилмаганлик” даврида оғиз бўшлиғи гигиеник индекс (ГИ) ҳолати, тиш эмалини кариес турғунлиги ва кариесга мойиллик даражаларини аниқлаш;

кичик мактаб ёшидаги болалар оғиз суюқлигининг биофизик хусусиятларини: аралаш сўлак секрециясининг (АСС) тезлиги, ёпишқоқлиги, рН, сўлакнинг минерал потенциал даражаси ва буфер ҳажмини аниқлаш;

даволаш-профилактик дастурлар комплексини қўллашдан олдинги ва кейинги даврларда аралаш сўлакда *St.mutans* (SM)-кариесоген микрофлоранинг колонизациясини баҳолаш;

тишлар кариесини бирламчи ва иккиламчи профилактикаси ҳамда оператив-тикловчи даволашнинг минимал чархлаш усулларини комбинациясини такомиллаштириш;

болаларда кариесга қарши даволаш-профилактик комплекс дастурлар самарадорлиги билан тишлар кариесини даволаш ва профилактикасидаги анъанавий усулларнинг қиёсий баҳоланишини ўтказиш;

болаларда илдизлари шаклланмаган ва биокимёвий етилмаган тишлар эмалида кариесга турғунлик даражасига мувофиқ, тишлар кариесини даволаш ва профилактикаси дастурларининг алгоритминини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларни стоматологик даволаш сифатини ошириш бўйича компьютер дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани 42-сон мактабида таълим олувчи, кичик мактаб ёшидаги (6-11 ёш) 405 нафар ўқувчи олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида, стоматологик, биокимёвий ва микробиологик кўрсаткичларни аниқлаш учун доимий тишлар, оғиз бўшлиғи суюқлиги, илдизлар, тишлар эмали, гигиена воситалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун илмий ишда қуйидаги усуллар қўлланилган: клиник, рентгенологик, микробиологик, клинко-лаборатор, клинко-функционал.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар тишини кам чархлаш ва реминерализациялаш орқали иккиламчи кариесни келиб чиқишининг олдини олиш мумкинлиги исботланган;

тиш илдизларини шаклланиш даврида кариесга мойиллик вазиятини аниқлаш ва баҳолаш, уларни кариес билан касалланиш даражаси, тарқалиши, бошланғич кариеснинг учоқли деминерализациясини аниқлаш тизими такомиллаштирилган;

6-11 ёшдаги болаларда оғиз суюқлиги хусусиятларини биофизик ўзгариши, сўлакнинг минерал потенциали, гигиеник индекс даражаси ва кариесоген бактерияларнинг миқдор даражаси каби кўрсаткичлар асосида кариес ривожланишининг асосий хавф омиллари аниқланган;

кичик мактаб ёшидаги болаларда доимий тишларда иккиламчи кариесни олдини олиш мақсадида фойдаланилган кумуш тутувчи шишаиономер цементни қулашнинг ижобий натижаси исботланган;

эмальнинг биокимёвий “етилмаган” даврида доимий тишларда оператив-тикловчи муолажалар, кариесни аниқлаш бўйича замонавий тест синовлари, инновацион технологиялар ва замонавий пломба ашёларини қўллашни ўз ичига олган турли даражадаги мураккаб тадбирларни бирлаштириш бўйича тизим шакллантирилган .

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

6-11 ёшдаги болаларда стоматологик статус: тарқалганлик, жадаллик, тишлар кариеси жадаллигининг ортгани, доимий тишларда илдизларни шаклланиши ва эмальнинг биокимёвий “етилмаганлик” даврида оғиз бўшлиғи гигиеник индекс (ГИ) холати, тиш эмалини кариес турғунлиги ва кариесга мойиллик даражаларини аниқланган;

кариесга қарши даволаш-профилактик чора тадбирларнинг замонавий комплексини таклиф қилиш имкониятига эга бўлган компьютер дастури ишлаб чиқилган;

эмаль кариестурғунлигининг турли босқичларида болаларда тиш илдизларини шаклланиш даврида доимий тишлар кариесини профилактикаси, даволаш ва унинг асоратларини олдини олишга дифференциал ёндашувли кариесга қарши комплекс дастурнинг тўлиқ хажмини қўллаш самарадорлиги исботланган;

кичик мактаб ёшидаги болаларда тишлар кариесини бирламчи ва иккиламчи профилактикаси ҳамда оператив-тикловчи даволашнинг минимал чархлаш усуллари комбинацияси такомиллаштирилган;

оғиз бўшлиғи кариесоген вазиятни ривожланишини юқори хавфи, доимий тишларни илдизларини шаклланиш ва эмаль минерализацияси даврида болаларда (6-11 ёш) тишлар кариесини комплекс профилактикаси ва оператив-тикловчи даволашни ўз ичига олган, таклиф қилинган дастурлар алгоритми даволаш ва профилактиканинг самарадорлигини ошириш, кариес касаллигининг асоратлари ва рецидивлар сонини камайтиришга кўмаклашади, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонини етарли эканлиги, клиник, статистик тахлил

усулларидан фойдаланиб олинганлиги, олинган натижаларнинг хорижда олиб борилган нуфузли тадқиқот натижалари билан ҳамоҳанглиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиш эмалининг кариестурғунлик даражасига боғлиқ равишда болаларда доимий тишлар кариесини оператив даволашда минимал чархлаш усулини болалар доимий тишлари кариесини даволашдаги даволаш-профилактик, кариесга қарши дастурлар комплекси билан биргаликда қўллашдаги самарадорликдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, болаларда кариесни фаол кечиш даврида даволаш тактикасини танлашнинг такомиллаштирилган ёндашувлари амалиётга тадбиқ қилиш учун ишлаб чиқилган ва таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: кичик мактаб ёшидаги болаларда тишлар кариесини даволаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Болаларда микроочархлаш усули билан кариесни даволаш” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19 сентябрдаги 8н-р/145-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма кичик мактаб ёшидаги болаларда тишлар кариесини даволашда микроочархлаш усулини қўллаш орқали даволаш самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

“Кичик мактаб ёшидаги болаларда кариес касаллиги” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 28 декабрдаги 8н-р/205-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма тишлар кариесини башоратлаш, ташхислаш ва даволашда аниқ ҳаракатлар режасини тавсия этиш орқали мактаб ёшидаги болаларда кариес касаллигини эрта аниқлаш ва даволаш имконини берган;

“Болаларда тишлар кариеси профилактикасидаги реминерализацияловчи воситалар” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 28 декабрдаги 8н-р/203-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма болаларда оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш, ташхислаш ва профилактика учун чора тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

кичик мактаб ёшидаги болаларда илдиз шаклланмаган доимий тишларда кариесни эрта аниқлаш ва микроинвазив усулда даволаш ва олдини олишга қаратилган чора –тадбирлар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд ва Бухоро вилоят стоматологик поликлиникаси, Тошкент давлат стоматология институти болалар терапевтик стоматология поликлиникаси, Тошкент шаҳар 2- ва 3-болалар стоматологик поликлиникаси амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19 сентябрдаги 8н-р/145-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши кичик мактаб

ёшидаги болаларда кариес касаллигини самарали даволаш ва профилактика қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 15 та республика илмий – амалий халқаро иштироки билан анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 52 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, шундан 11 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 221 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кичик мактаб ёшидаги болаларда кариесни даволаш ва профилактиканинг замонавий талқини”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабиётлар манбаининг кенг таҳлили берилган. Болалар кариесологияси соҳасидаги маҳаллий ва хорижий олимларнинг энг замонавий илмий ютуқларининг таҳлили ўтказилган. Болаларда кариесни даволаш ва профилактикасининг янги усуллари бўйича адабиётлар маълумотлари ёритилган, давлат ва маҳаллий даражада хал қилиниши талаб этиладиган муаммолар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган, унда тадқиқотнинг асосий материал ва усуллари, хронологик рамка ва объектларига изоҳ берилган.

Тадқиқот объекти этиб, Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани 42-сон мактабида таълим олувчи, кичик мактаб ёшидаги (6-11 ёшдаги) 405 нафар ўқувчи.

Тадқиқот даврида амалий соғлом бўлган ва оралик мутахассислар рўйхатида турмаган болаларда ўтказилди. Кўрик сунъий чироқ ёрдамида стандарт стоматологик асбоблар тўплами ёрдамида ўтказилди.

Кўриқда клиник, рентгенологик, микробиологик, клиник-лаборатор, клиник-функционал усуллардан фойдаланилган. Асосий клиник-лаборатор текшириш усулларида ташқари, танлаб олинган барча 405 нафар

Ўқувчида кариесни тарқалганлик, жадаллик, жадалликнинг ортиши кўрсаткичлари, ГИ ва РМА индекслари аниқланган. Кариес тишларнинг каттиқ тўқимаси зарарланишини чуқурлигини инобатга олган ҳолда, кариоз ковак мавжудлигининг аниқланган клиник белгилари асосида ташхисланган. Болаларни стоматологик кўриқдан ўтказишда кариес кўрсаткичлари ажратилган: БССТ номенклатураси асосида жадаллик ва жадалликнинг ортиши; Эмаль реминерализацияси тезлиги–Т.Л. Рединова ва ҳаммуалифлари ЭРТКК-тести асосида ўтказилган.

Кариесни тарқалганлиги ҳалқаро тизим (International Caries Detection and Assessment System, ICDAS I, 2002) ёрдамида аниқланган.

Статистик усуллар. Ўртача арифметик, унинг хатолари ва 95% эҳтимоллик билан ишончлилик интерваллари ҳисобланган. Ҳисоблар IBM/PC русумдаги ҳисоблаш техникасида бажарилган

Диссертациянинг учинчи боби «**Шахсий тадқиқотлар натижалари. Кичик мактаб ёшидаги болалар оғиз бўшлиғи аъзолари холатининг тавсифи**» деб номланган.

Болалар тишининг каттиқ тўқималарини холати БССТ ва ICDAS II критерийлари асосида баҳоланди.

ICDAS II критерийларига асосланиб ҳар бир болада 3681та юза ва 3513 та тиш, ўртача 31,7% юзалар кўриқдан ўтказилган. Аниқланиши бўйича, соғлом эмалли тишларда кариес тарқалиши бола ёшини катталашган сари ва 6-7 ёшда 82,6%, 8-9 ёшда- 92,7%, 10-11 ёшда- 91,2% ташкил қилади.

ICDAS II критерийлари бўйича 6-7 ёшдаги болаларда тишлар/юзалар каттиқ тўқималарининг (d1-3t/d1-3s) бошланғич зарарланишларини жадаллиги $0,43 \pm 0,01/0,48 \pm 0,01$ ни; 8-9 ёшда – $0,57 \pm 0,03/0,51 \pm 0,4$; 10-11 ёшда – $0,61 \pm 0,02/0,52 \pm 0,013$ ташкил этди (2-жадвал). Ёш гуруҳлари орасидаги фарқ юқори ҳаққоний бўлган ($P < 0,01-0,001$).

Тишлар/юзаларнинг чуқур кариоз шикастланиши ёки зарарланиши 6-7 ёшли болаларда аниқланди, бунда индекс d4-6t/d4-6s $2,48 \pm 0,02/2,70 \pm 0,04$, 10-11 ёшлиларда – $3,75 \pm 0,04/3,84 \pm 0,05$ ни ташкил қилди (ёшга оид гуруҳлардаги фарқ аҳамиятли, $P < 0,001$). Ёшнинг ўсиши билан тишлар/юзаларда кариеснинг бошланғич белгиларини пайдо бўлиш жадаллиги (ICDAS = 1,2,3) с $1,21/1,17$ марта ошди, чуқур жароҳатланиши эса (ICDAS = 4,5,6) $-1,51/1,42$ марта. Олинган натижалар, болаларда бошланғич кариес билан жароҳатланиш темпи кариесни деструктив намоён бўлишига нисбатан сезиларли даражада юқорини кўрсатди. (кариоз юзалар).

Кўрув жараёнида пломбаланган тишлар ўрганилаётган барча гуруҳлар болаларида кузатилди, пломбаланган тишлар/юзалар жадаллиги (ft/fs) $1,00 \pm 0,04/0,80 \pm 0,01$ ни ташкил қилди.

Умумий индекс d1-6mft/d1-6mfs 6-7 ёшли болаларда $1,70 \pm 0,40/1,80 \pm 0,50$, 8-9 ёшлиларда $2,12 \pm 0,07/2,35 \pm 0,09$, 10-11 ёшлиларда $2,50 \pm 0,15/3,40 \pm 0,13$ ташкил этди (ёшга оид гуруҳлардаги фарқ аҳамиятли,

$P < 0,01-0,001$), (1-жадвал). Индекс қиймати d_{1-6mft}/d_{1-6mfs} 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача 1,5/2,05 марта ошди.

1-жадвал

ICDAS II кўрсаткичлари бўйича кариесни баҳолаш

Тишларни кариес билан шикастланиш ICDAS II мезони	Ёш бўйича тишларни кариеси ва ЭЎД жадаллиги		
	6-7	8-9	10-11
	M ± m		
d_{1-3t}	$0,43 \pm 0,01$	$0,47 \pm 0,03$	$0,50 \pm 0,02$
d_{1-3s}	$0,48 \pm 0,01$	$0,51 \pm 0,04$	$0,52 \pm 0,03$
d_{4-6t}	$2,48 \pm 0,02$	$3,17 \pm 0,70$	$3,75 \pm 0,15$
d_{4-6s}	$2,70 \pm 0,04$	$3,24 \pm 0,90$	$3,84 \pm 1,00^*$
ft	$0,90 \pm 0,03$	$1,27 \pm 0,15^*$	$1,21 \pm 0,22^*$
fs	$1,00 \pm 0,01$	$1,45 \pm 0,17$	$1,30 \pm 0,17$
m	$0,80 \pm 0,01$	$0,90 \pm 0,02$	$1,20 \pm 0,40$
d_{1-6mft}	$1,70 \pm 0,40$	$2,12 \pm 0,07$	$2,50 \pm 0,16^*$
d_{1-6mfs}	$1,80 \pm 0,50$	$2,35 \pm 0,09$	$3,47 \pm 0,13^*$
По ICDAS II	85,03%	91,3%	94,1


Изох: * билан ($P < 0,05$) - 6-7 ёшлиларга нисбатан фарқ ишончлилиги белгиланди.


ICDAS II тизими аниқландики, кўпинча (35,1%) 6-7 ёшдаги болаларда окклюзион ва ва вестибуляр юзалар (27,8%), танглай юзалари (18,9%) зарарланган, асосан бир хил даражадаги медиал ва дистал юзаларнинг зарарланиш частотаси 14,2%; 14,0% мос равишда бўлган.

8-9 ёшда зарарланишлар (43,5%) кўпроқ тишларнинг вестибуляр ва окклюзион юзаларида (37,2%), медиал юзада (16,5%), камроқ дистал юзада (7,6%) ва энг кам танглай юзасида (6,1%) кузатилган.

10-11 ёшда зарарланишларнинг асосий фоизи окклюзион юзаларга (41,3%), вестибуляр юзаларга (37,1%), кам даражада тишларнинг медиал юзалари энг кам дистал ва медиал юзалари (5,2% ва 6,0%) зарарланади.

ICDAS II баҳолаш критерийлари ва БССТ критерийларига мос равишда исботландики, болалар ёши катталашishi билан кариеснинг умумий кўрсаткичларининг ортиши кузатилади: тарқалганлик, жадаллик ва зарарланиш (1-расм).






1-расм. Болаларда ёшга боғлиқ ҳолда тиш юзаларида кариес билан жароҳатланишнинг фоизлардаги нисбати

Текширилган болаларда оғиз бўшлиғи гигиенасининг ҳолати Пахомов модификациясидаги Федоров-Володкина тамойилларини қўллаган ҳолда баҳоланди. Кўриқдан ўтказилганларнинг кўпчилигида оғиз бўшлиғи гигиенаси кўрсаткичи қониқарсиз, ёмон ва жуда ёмон эканлиги аниқланди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, ёш катталашган сари оғиз бўшлиғи гигиенасининг яхши ва қониқарли даражалари яхши – 21%, қониқарсиз – 24% 10-11 ёшдаги болаларда кузатилган. Болаларда сўров ва анкеталаш натижалари бўйича болаларнинг оғиз бўшлиғи парвариши бўйича маълумотга эга эмаслиги, кўпчилик болаларни(52,3%) кариес касаллигининг хавф омиллари ҳамда касаллик ривожланишини олдини олувчи кариесга қарши профилактик чора тадбирларнинг мавжудлиги бўйича маълумотлари йўқлиги аниқланди.

Гигиеник маданиятнинг пастлиги врач-стоматологлар ота-оналар ва болалар ўртасида санитария маорифи ишлари етарлича олиб борилмаганлигидан далолат беради. Шуни эътиборга олиб, ўқувчиларга ота-оналари билан биргаликда ўтказиладиган оғиз бўшлиғи индивидуал гигиенаси бўйича машғулотлар, кариес-профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқилган.

Оғиз суюқлигининг минераллаштириш потенциали (СМП) 90 та кичик ёшдаги мактаб болаларида ўрганилди, 18 тасида (20%) СМП кўрсаткичи юқори ва жуда юқори бўлган, 16 (17,8%) ва 2 (2,2%) ўқувчиларда мос равишда аниқланди (2-расм).



2-расм. Кўриқдан ўтказилган болаларда сўлакнинг минерализацияловчи потенциалининг кўрсаткичлари

Эмальнинг турғунлик тести (ЭТТ)-тест натижалари бўйича, текширилган 90 та ўқувчидан фақат 18 тасида (20,0%) тишлар эмалининг юқори КР даражаси қайд этилди, қолган 72 бола (80,0%) КР турли даражасида пастбўлган. 24 болада КР ўртача (УМРЭ), 27 бола (30,0%) - паст КР (ПКТ), 21 (23,3%) – жуда паст КР (ЖПКТ) кузатилган. (2-жадвал).

2-жадвал

Болаларда КР эмаль бўйича ЭРТ-тести кўрсаткичлари

Текширилганлар сони	ЭЮК		МКТ		ПКТ		ЖПКТ	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
90 (100%)	n=18	20,00	n=21	23,33	n=27	30,00	n=24	26,66

Кўриқдан ўтказилган кўпчилик болаларда (56,7%) тишларни кислотали таъсиротларга паст ёки жуда паст турғунлиги аниқланди, бу кариесни ривожланишини башоратлайди.

Оғиз бўшлиғи гомеостазининг асосий ягона кўрсаткичи бўлиб сўлак рН ҳисобланади. Меъёрда сўлак рН 6,8-7,2 оралиғида бўлади. Сўлак рН ини 30 минут ва ундан кўп вақт оралиғида сезиларли пасайиши углеводларни истеъмол қилгандан кейин кузатилади. Сўлак рН ини камайиши унинг минерализацияловчи фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади, унда кальций етишмовчилиги кузатилади ва у минерализацияловчи суюқликдан деминерализацияловчи суюқликка айланади. Сўлак рН ини пасайиш шароитида ундаги мицеллалар миқдори камаяди, кальций ва фосфат ионларини тўйинган ҳолатда сақлаб туриш хусусияти йўқолади, натижада сўлакнинг таркибий ўзгаришлари ва унинг минераллашувчи потенциалини пасайиши кузатилади.

Str.mutans микрофлорасини ўрганиш кўрсатики, оғиз суюқлигида КР да 56,7% ва МКТ да 54,6% болаларда *Str.mutans* колониялари

аниқланмади. Оғиз суюқлигида ПКТ да 29,7% болаларда *Str.mutans* колониялари аниқланмади, 41,5% да – патогенлиги паст даражасда, 28,8% да – юқори даражадаги патогенлик кузатилган. ЖПКТдаги болаларда *Str.mutans* ўрганилганда аниқландики, 24,9% текширилганларда мазкур микрофлора колониялари аниқланмади, 31,5% да – патогенликнинг паст даражаси, 43,6% да юқори даражадаги патогенлик кузатилган. Олинган маълумотлар бўйича, *Str.mutans* патогенлиги юқори бўлган колониялар тишларнинг асосан юқори ва пастки жағларнинг 2-3-4 тишларнинг ён юзаларида кузатилган. Патоген микрофлоранинг юқори даражада кўп миқдордаги тиш карашларининг мавжудлиги, оғиз бўшлиғи гигиенасига болалар етарли даражада эътибор бермаганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг “**Болаларда доимий тишлар илдизларини шаклланиши даврида эмаль кариестурғунлик даражасига боғлиқ равишда даволаш-профилактик тадбирлар мажмуаси**” деб номланган тўртинчи бобида ҳар бир гуруҳ учун ишлаб чиқилган кариесни оператив даволаш (ОТД) ва индивидуал кариеспрофилактик тадбирларнинг мажмуаси келтирилган. Эмаль КР даражасига боғлиқ равишда 4та даволаш профилактика гуруҳи ташкил қилинди. Кариес ривожланишининг 8 та асосий хавф омилларини учраш частотаси тахлили ўтказилди, унга асосан эмаль ЮКТги болаларда ўрганилган омилларнинг ҳеч қайси бири кузатилмади, улар биринчи гуруҳга киритилди. Эмаль МКТда 21,2% болаларда 1та омил, бу ГИ кўпайиши, эмаль ПКТда - 32,1% болада 4 та омил, 46,7% болада бта омил ва 21,2% да 8 та омил.

3-жадвал

Кичик мактаб ўқувчиларида оғиз бўшлиғи кариесоген вазиятни ривожланишининг асосий клиник симптомлари

Гуруҳ рақами	паст ГИ		Тиш каражларининг миқдори		Паст СМП		жами	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
1	3	16,7	-	-	-	-	3	16,7
	1	5,5					1	5,5
2	8	29,6	3	16,8	-	-	11	12,2
	4	9,0	-	-			4	9
3	18	66,6	15	55,6	24	26,7	52	63,3
	6	22,2	10	37,0	6	17,8	22	24,4
4	19	78,6	17	70,8	27	30	83	92,2
	7	29,1	11	45,7	18	20	56	62,2


Изоҳ: махражда даволашдан олдин, суратда даволашдан кейин.

3-жадвалда келтирилган маълумотларга асосан, тиш эмали ЮКТги 1-гуруҳ болаларида оғиз бўшлиғида кариесоген вазиятни ривожланишини кўрсатувчи фақат 1та клиник симптом мавжуд. Бу паст гигиеник индекс

кўрсаткичи оғиз бўшлиғи гигиенаси дарсларини ўтказишдан олдин 3та (16,7%) болада кузатилган ва дарслардан кейин 3та боладан 1та(5,5) болагача камайган. Тишлар эмали МКТли ўқувчиларнинг иккинчи гуруҳида, оғиз бўшлиғи кариесоген вазиятни ривожланишини хавфини кўрсатувчи 2та клиник симптом аниқланган. 8 та (29,6) ўқувчида оғиз бўшлиғининг паст гигиеник ҳолати 3та (16,7) боладаги зич тиш қарашлари билан бирга кузатилган. Демак, бу гуруҳдаги фақатгина 11 та (12,2%) болада кариесоген вазият юзага келиши мумкин.

Маълумки, болалар оғиз бўшлиғини индивидуал ва малакали гигиена комплексини тўғри танлаш, айниқса тиш илдизларини шаклланиш даврида, кариес профилактикаси жараёнида муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Даволаш-профилактик гуруҳ учун тузилган дастур ўз ичига: стоматологик ташвиқотни, оғиз бўшлиғи гигиенаси бўйича 2-3 дарс машғулотларини, тиш пастаси ва ўргатувчи дарсларни, тиш чўткалари ва пасталарини танлашни, оғиз бўшлиғининг назоратли гигиенасини, тишларни фторли воситалар билан қоплашларни олган бўлиб, ҳар бири ўз босқичларига эгадир.

Даволаш-профилактик дастурлар 2 йўналишдан иборат бўлиб: биринчиси – кариесга қарши профилактик тадбирлар, иккинчиси – юқори ва пастки жағ моляр ва премолярларининг кариесини (ўрта ва чуқур) оператив- даволаш. 3– расмда тишлар эмали ЮКТ 1 гуруҳ болаларида даволаш-профилактик тадбирлар учун дастур келтирилган.




3-расм. Эмаль ЮКТ 1-гурух болалари учун даволаш-профилактик тадбирлар дастурининг алгоритми.

Ишлаб чиқилган кариесга қарши даволаш-профилактик комплексларнинг индивидуал дастурларини йил давомида қуйидаги схема асосида ўтказиш тавсия этилади:

Тишлар эмали ЮКТги болаларга йилига 1-2 марта ўтказиладиган 1-сонли дастур, тишлар эмали МКТли 2-гурух болаларига йилига 2-3 марта ўтказиладиган 2-сонли дастур, тишлар эмали ПКТ ли 3-гурух болалари учун йилига 4 марта ўтказиладиган 3-сонли дастур тавсия қилинган, бунда эндоген даво йилига 2 марта , яъни тўлиқ ҳажмда ўтказилиши ҳамда

йилига 2 марта эндоген даво қўшилмаган дастурни ўтказиш лозим. Мазкур дастурнинг тўлиқ ҳажмини эндоген давосини 3 курс давоси билан алмаштириб ўтказиш керак; тишлар эмали ЖПКТли 4-гуруҳ болаларида 4-сонли дастурнинг тўлиқ ҳажмини йилига 5 марта ўтказиш лозим.

Диссертациянинг “**Тишлар қаттиқ тўқималарида ўтказилган даволаш-профилактик дастурлар мажмуасининг самарадорлиги**” деб номланган бешинчи боби кузатилаётган 4та гуруҳ ўқувчиларида кариесга қарши даволаш-профилактик дастурлар комплексини қўллашдани олдинги ва қўллашдан кейинги даврларда ЖССТ мезонлари бўйича КПО(т) ва КПО(ю) индекслари бўйича кариесни тарқалганлиги, жадаллиги ва ортганлиги динамикасини бошланғич натижалар билан ўлчашга бағишланган



4-расм. ЮКТ гуруҳ болаларда ўтказилган дастур самарадорлиги кўрсаткичи

Даволаш – профилактик тадбирлар курси ўтказилгандан 6 ой сўнг КПО (т) индексининг бироз катталашгани ва даволашдан 3 ой сўнг назорат гуруҳда кариесни ўсиш кўрсаткичи КПО(т) бўйича $0,02 \pm 0,002$, КПО(ю) бўйича $0,09 \pm 0,001$ ни ташкил этти.

3 ва 6 ойдан сўнг назорат гуруҳида кариесни ўсиш кўрсаткичи КПО(т) и КПО(ю) индекслари бўйича $0,09 \pm 0,002$ ва $0,05 \pm 0,02$ ни мос равишда ташкил қилди, бу бошланғич кўрсаткичлардан ҳаққоний юқоридир ($P < 0,01$).

Даволашдан 1 ва 2 йил сўнгра даволаш гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан кариесни ўсиш кўрсаткичични ҳаққоний камайиши кузатилган. Тишлар эмали МКТли иккинчи болалар гуруҳида даволаш-профилактик

дастур курси ўтказилгандан 3 ойдан сўнг, КПО(т) ҳамда КПО(ю) индекслари бўйича кариесни ўсиш кўрсаткичи кузатилмаган, бунда КПО(т) $2,46 \pm 0,17$ дан $2,46 \pm 0,15$ гача, КПО(ю) $2,59 \pm 0,19$ дан до $2,63 \pm 0,18$ гача. Даволашни 6 ойдан сўнг икки индексларнинг фарқи ҳаққоний $P < 0,05$ ва $P < 0,01$. КПО(т) индекси $2,46 \pm 0,17$ дан $2,49 \pm 0,17$ гача ва КПО(ю) индекси $2,59 \pm 0,17$ дан $2,67 \pm 0,20$ гача ортган. Бунда кариесни ўсиши кузатилмаган ва КПО(ю) бўйича $0,04 \pm 0,01$ бўлган.

Диссертациянинг **“Кичик мактаб ёшидаги болалар оғиз бўшлиғи ҳолатини турли даражадаги кариесга қарши комплекс даволаш профилактик тадбирларни қўллаш натижаларини клиник-лаборатор баҳолаш”** деб номланган олтинчи бобда оғиз бўшлиғи гигиенаси ва оғиз бўшлиғи ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларга бағишланган. Кариесга қарши қиёсий комплекс даволаш-профилактик дастурларини қўллаш натижасида 3 ва 6 ой муддат ўтгандан сўнг оғиз бўшлиғи суюқлигининг минерализациялаш потенциалининг ўсиш кўрсаткичларига баҳо берилган.

